ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ

Рўйхатга олинди:
№ БД 5510100; 5111000-3.12
2021 йил "4" июн

Соғликни сақлаш вазирлиги
121-сонли буйруқ
2021 йил "4" июн

НЕВРОЛОҒИЯ
МОДУЛ ДАСТУРИ

Билим соҳаси:	500000 -	Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот
Таълим соҳаси:	510000 -	Соғлиқни сақлаш
Таълим йўналиши:	5510100 -	Даволаш иши
	5111000 -	Профессионал таълими (5510100-Даволаш иши)

Тошкент – 2021

Тузувчилар:

Рахимбаева Г.С.	-	ТТА, “Асаб касалликлари” кафедраси мудири профессор, т.ф.д.
Муратов Ф.Х.	-	ТТА, “Асаб касалликлари” кафедраси профессори

Тақризчилар:

Б.Г.Гафуров	-	ТХКМРМ неврология кафедраси мудири, т.ф.д., профессор
Нуруллаева Н.М.	-	ТТА, 1-сон “Ички касалликлар” кафедраси мудири, т.ф.д., доцент

Модул дастури Тошкент тиббиёт академиясида ишлаб чиқилди.

Модул дастури Тошкент тиббиёт академияси кенгашида кўриб чиқилган ва тавсия қилинган (2021 йил “26” майдаги “12”-сонли баённома).

Модул дастури Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тиббиёт ва фармацевтика узлуксиз касбий таълими муассасаларароо Мувофиқлаштириш кенгашининг 2021 йил “13” апрелдаги 3-сонли баённомаси билан маъқулланган.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил “4” июндаги 121-сонли буйруғининг 1-иловаси билан модул дастури рўйҳати тасдиқланган.

1.Ўқув модулининг долзарблиги ва олий таълимдаги ўрни

Ушбу модул дастури Ўзбекистон Республикаси Давлат таълим стандарти ва бакалавриат таълим йўналиши малака талабларига асосланган ҳолда тузилган. Ушбу дастур асаб тизимининг клиник анатомияси, зарарланиш синдромлари ва уларнинг текшириш усуллари, асаб касалликларини этиологияси, патогенези, диагностикаси, қиёсий ташхиси ва даволаш принциплари, хамда ўқиш жараёнида назарий ва амалий кўникмаларни ўзлаштириш орқали неврологик синдромларни ва уларнинг асосида топик ва нозологик ташхис қўйиш, неврологик беморларда параклиник текширувларни ўтказиш принциплари ҳақида талабаларга билим берилади ва бўлғуси умумий амалиёт врачларида клиник фикрлаш, касаллик ва унинг белгиларини асослаш учун замин яратиб беради.

Неврология модулини ўқитиш учун клиникагача бўлган модуллар: анатомия, гистология, нормал ва патологик физиология, фармакология назарий замин бўлиб хизмат қилади. Неврология модули клиник модуллар: ички касалликлар, хирургик касалликлар, акушерлик ва гинекология, педиатрия, гериатрия модуллари учун замин бўлиб хизмат қилади.

2. Ўқув модулининг мақсади ва вазифалари

2.1. Модулнинг мақсади **–** Неврология модули талабаларга умумий ва клиник неврология асосларини, касалликлар профилактикасини, эрта диагностикаси ва даволаш усулларини ўргатишдан иборат.

2. Модулнинг вазифалари:

– умумий ва хусусий неврологиянинг асосий томойилларини;

– соғлом турмуш тарзини тарғибот қилишни;

– асосий неврологик синдромни аниқлаш ва у асосида топик, нозологик диагноз қўйиш;

– неврологик касалликлари, уларнинг этиологияси, патогенези, таснифи, клиник кўринишлари, асоратлари ва даволаш принциплари тўғрисида тушунчаларни шакллантириш;

– беморларни профессионал неврологик кўрув кўникмаларини эгаллаш.

– ўткир неврологик касалликларда шошилинч ёрдам бериш кўникмаларини эгаллаш;

– текширув ўтказиш врач тактикаси, даволаш ва профилактик билимини шакллантириш;

– невролог – магистрларга беморларни юбориш кўрсатмаларни билиш;

– ўткир неврологик ҳолатлар учраганда тез ёрдам кўрсатиш амалий кўникмаси ишлаб чиқиш.

2.3. ***Модул бўйича талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар:***

10-семестр якунида:

Талаба:

- умумий неврология асослари,
- топик ўчоқни аниқлаш;
- бош мия краниал нервлар зарарланишини;
- синдромал, топик, нозологик ва якуний ташхис асослари ***ҳақида тасаввурга эга бўлиши;***
- энг кўп тарқалган неврологик касалликларни этиология, диагностика, профликтаика ва даволаш принциплари;
- неврологик синдромларни қиёсий ташхиси;
- асаб касалликларида қўлланиладиган диагностика усуллари тўғрисида ***билиши ва улардан фойдалана олиши керак;***
- ҳаракат сферасини текшириш усуллари;
- сезги сферасини текшириш усуллари;
- ҳаракат координация текшириш усуллари;
- менингиал белгиларни текшириш усуллари;
- тортилиш симптомларни текшириш усуллари;
- кўз ҳаракатлантирувчи нервларни текшириш;
- юз нервларни текшириш;
- бульбар синдромни текшириш усуллари ***малакаларига (шу жумладан амалий кўникмаларига) эга бўлиши керак.***

3. Асосий қисм

3.1. Модулдаги маъруза машғулотлари мавзулари ва мазмуни, ташкил бўйича умумий кўрсатма ва тавсиялар:

1-мавзу. Муққадима. Орқа мия анатомияси. Неврология фанинг қисқача тарихи. Асаб тизимини онтогенези. Функционал ташхис услублари. Нейрон теорияси. Орқа мия анатомияси, миело ва цитоархитектоникаси. Сегментар аппарати. Рефлектор ёйи. Зарарланиш белгилари ва клиник синдромлари.

2-мавзу. Экстрапирамид система. Стриопаллидар тизим. Анатомия, физиологияси ва патологияси. Гиперкинетик синдром, Паркинсонизм. Диагностика. Мияча. Анатомияси. Ядролари ва йўллари. Зарарланиш симптомалри. Атаксия, турлари, клиникаси. **Бош мия устуни,** унинг клиник анатомияси. Мия устуни зарарланиш синдромлари. Ретикуляр формация. Гипоталамус соха, ядролари, анатомияси, патологияси.

3-мавзу. Бош мия яримшарлари. Бош мия пўстлоғи. Бош мия ярим шарлари антомияси. Миело ва цитоархитектоникаси. Олий нерв фаолияти. Бош мия яримшарларда жойлашган марказлари. Олий нерв фаолияти. Бош мия яримшарлар патологияси. Текшириш усуллари.

4-мавзу. Асаб тизими касалликларининг классификацияси. Бош мия қон-томир касалликлари, таснифи. Инсультлар: эпидемиология, хафвли омиллар.

Ишемик ва геморрагик инсульт: этиология, патогенез, клиника, диагностика, профилактика ва УАШ тактикаси

5-мавзу. Асаб тизимининг инфекцион –яллиғланиш касалликлари. Менингиал синдром. Сурункали лептоменингитлар ва хориоэпендиматитлар, энцефалитлар - таснифи, этиологияси, патогенез, клиникаси, профилактика ва даволаш усуллари.

6-мавзу. Асаб тизимини дегенератив касалликлари. Тарқоқ склероз, ён томонлама амиотрофик склероз, сирингомиелия, фуникуляр миелоз ва бошқалар - этиологияси, патогенези, клиник кечиши, профилактика ва даволаш усуллари.

7-мавзу. Эпилепсия ва пароксизмал ҳолатлар. Эпилепсия ва эпилептик хуружлар: тарихи, таснифи, этиологияси, патогенези, клиникаси, диагностикаси, кечиши, даволаш усуллари ва профилактикаси. Синкопал ҳолатлар, қиёсий ташхис, таснифи, диагностика, даволаш принциплари.

8-мавзу. Асаб тизимининг наслий (ирсий) касалликлари. Классификацияси, асаб тизимининг наслий (ирсий) касалликлари, миопатия (Дюшен, Эрб, Ландузи-Дежерин ва бошқа турлари). Миастения: патогенез, клиникаси, диагносикаси, терапия ва профилактикаси.

9-мавзу. Хуш бузилиш синдроми. Кома, оғирлик даражаси аниқлаш, таснифи, этиологияси. Неврологик статусни текшириш аломатлари.

3.2. Модулдаги амалий машғулотларнинг мавзулари, ташкил этиш бўйича умумий кўрсатма ва тавсиялар:

Модул бўйича машғулотлар 50% назарий (маъруза ва амалий машғулот) ва 50% амалий қисм (ўқув клиник амалиёт)дан иборат бўлган ҳолда ўтказилади. Амалий машғулотнинг назарий ва амалий қисми ўзаро боғлиқ ҳолда ўтказилади.

3.2.1. Амалий машғулотларнинг мавзулар рўйҳати:

1-мавзу. Асаб тизимининг клиник анатомияси. Орқа мия, мия устуни, бош мия ярим шарлари, ички капсула, бош мия қоринчалари. Олий нерв фаолияти ва марказлари. Яримшарлар зарарланиш синдромлари.

Амалий қисм: Олий нерв фаолияти текшириш усулларини беморларда ўрганиш. (Неврология бўлими, интенсив неврология ва СКАЛ).

2-мавзу. Ҳаракат координацияси ва экстрапирамидал тизим. Стриар ва паллидар система. Зарарланиш синдромлар: гиперкинетик-гипокинетик ва паркинсонизм. Мияча. Ҳаракат координация текшириш усуллари. Атаксия, турлари, дифференциал диагностикаси.

Амалий қисм: Ҳаракат координацияни текшириш усулларини беморларда ўрганиш. (Неврология бўлими, интенсив неврология ва СКАЛ).

3-мавзу. Ҳаракат фаолияти. Ихтиёрий ҳаракат йўли, кортико – спинал ва кортико – нуклеар йўллари. Марказий ва периферик нейрон, функцияси ва патологияси. Марказий ва периферик фалажлар белгиси. Ҳаракат йўлларни зараланишини топик диагностикаси: периферик, спинал, церебрал турлари. Рефлектор сфера: физиологик ва патологик рефлекслар, рефлекслар ёйи, чақириш усуллари.

Амалий қисм: Ҳаракат фаолияти ва рефлексларни текшириш усулларини беморларда ўрганиш, марказий ва периферик фалаж билан беморларни курацияси. (Неврология бўлими, интенсив неврология ва СКАЛ).

4-мавзу. Сезги анализатори. Классификацияси, юзаки, чуқур ва мураккаб сезги турлари. Юзаки ва чуқур сезги йўллари тузилиши, схематик чизмаси. Сезги фаолиятининг текшириш усуллари. Сезги фаолияти бузилишининг топик диагностикаси. Сегментар ва ўтказувчи турдаги сезги бузилишлари. Тортилиш симптомлар.

Амалий қисм: Сезги анализатори текшириш усулларини беморларда ўрганиш, сегментар, ўтказувчи, полиневритик, илдизчали сезги бузилиши билан беморларни курацияси. (Неврология бўлими, интенсив неврология ва СКАЛ).

5-мавзу. Бош мия нервлари. БМН: I – хидлов нерви; II – кўрув нерви; III – кўз ҳаракатлантирувчи нерви; IV – ғалтак нерви; VI – узоқлаштирувчи нерви; функция, текшириш усуллари ва зарарланиш белгилари.

Амалий қисм:I, II, III, IV ва VI жуфт бош мия нервлари текшириш усулларини ўрганиш ва беморларни курация қилиш (Неврология бўлими ва СКАЛ)

6-мавзу. Бош мия нервлари, давоми. БМН: V – уч шохли нерви, VII – юз нерви ва VIII – эшитув нерви: функция, текшириш усуллари ва зарарланиш белгилари.

Амалий қисм: V, VII ва VIII жуфт бош мия текшириш усулларини ўрганиш ва беморларни курация қилиш (Неврология бўлими ва СКАЛ)

7-мавзу. Бош мия нервлари, давоми. БМН: IX – тилҳалқум нерви, X – сайёр нерви, XI – қўшимча нерви, XII – тилости нерви: функция, текшириш усуллари ва зарарланиш белгилари. Бульбар ва псевдобульбар синдром.

Амалий қисм: IX, X, XI ва XII жуфт бош мия нервлари текшириш усулларини ўрганиш ва беморларни курация қилиш (Неврология бўлими, интенсив неврология ва СКАЛ).

8-мавзу. Асаб касалликларини инструментал диагностикаси: ЭЭГ, УЗДГ, ЭхоЭГ, ЭМГ, КТ, ЯМР, краниограмма, спондилограмма, люмбал пункция.

Касаллик тарихини тахлили, синдромологик, топик ташхис.

9-мавзу. Қон – томир касалликлари. Бош миянинг қон билан таъминланиши сохалари. ЦВК таснифи. Инсультгача бўлган касалликлар: этиология, хавли омиллар, патогенез, диагностикаси, текшириш усуллари, УАШ тактикаси.
Амалий қисм: ХИМ, ТИА, ВСД, ДЭ беморларни курация қилиш (Неврология бўлими ва СКАЛ).
10-мавзу. Қон – томир касалликлари(давоми). Ишемик ва геморрагик инсультлар, этиология, хавли омиллар, патогенез, диагностикаси, текшириш усуллари, УАШ тактикаси.
Амалий қисм: Инсульт билан беморларни курация қилиш (Неврология бўлими ва интенсив неврология).
11-мавзу. Асаб тизимини яллиғланиш касалликлари. Энцефалитлар, миелит, полиомиелит, сурункали церебрал лептоменингитлар: этиологияси, патогенези, клиникаси, диагностика, даволаш ва профилактика усуллари, УАШ тактикаси.
Амалий қисм: Ўткир ёки ўткир неврологик касалликларни асорати билан беморларни курация қилиш. (Неврология бўлими, интенсив неврология ва СКАЛ).
12-мавзу. Периферик нерв тизими касалликлари. Мононеврит, плексит, вертеброган оғриқ синдромлар: этиологияси, патогенези, клиникаси, диагностика, даволаш ва профилактика усуллари, УАШ тактикаси. Амалий қисм: Полиневрит, неврит, радикулит билан беморларни курацияси. (Неврология бўлими ва СКАЛ).
13-мавзу. Асаб тизимини демиелинизацияли ва дегенератив касалликлари. Тарқоқ склероз, Сирингомиелия, Ён амиотрофик склероз: этиологияси, патогенези, клиникаси, диагностика, даволаш ва профилактика усуллари, УАШ тактикаси.
Амалий қисм: Асаб тизимини дегенератив касалликлари билан беморларни курацияси. (Неврология бўлими ва СКАЛ) (Неврология бўлими ва СКАЛ).
14-мавзу. Эпилепсия ва пароксизмал ҳолатлар. Эпилепсия ва эпилептик хуружларнинг таснифи, клиник кўриниши, биринчи ёрдам, диагностика, даволаш принциплари. Синкопал ҳолатлар, этиология, диагностика, дифференциал ташхис, даволаш принциплари.
Амалий қисм: Хуш бузилиш белгилар билан беморларни курацияси. (Неврология бўлими ва СКАЛ).
15-мавзу. Асаб тизимининг наслий касалликларини. Таснифи.
Авж олувчи мушак дистофияси-миопатиялар. Пастки спастик параплегия, Шарко-Мари неврал амиотрофияси, наслий атаксиялар, гепатоцеребрал

дистрофия, наслий Гентингтон касаллиги: этиологияси, патогенези, клиник турлари, кўринишлари, даволаш ва профилактика усуллари.
Амалий қисм: Наслий касалликлар билан беморларни курацияси. (Неврология бўлими ва СКАЛ).
16-мавзу. Бош оғриқ синдроми. Бирламчи бош оғриқлар: Мигрень, Зўриқиш бош оғриқлар, Кластер цефалгия: этиологияси, патогенези, клиникаси, диагностика, даволаш ва профилактика усуллари, УАШ тактикаси.
Амалий қисм: Бош оғриқ синдром билан беморларни кўриш (Неврология бўлими ва СКАЛ).
17-мавзу. Бош айланиш синдроми. Бош айланиш таснифи. Марказий ва периферик бош айланишлар. Меньер синдроми, вестибуляр нейронит, позицион бош айланиш, қон-томир касалликларидаги бош айланишлар. Этиология, патогенез, даволаш ва профилактика усуллари, УАШ тактикаси.
Амалий қисм: Бош айланиш синдром билан беморларни кўриш (Неврология бўлими ва СКАЛ).
18-мавзу. Хуш бузилиш синдроми. Хуш бузилиш таснифи. Комалар даражаси. Глазго шкаласи. Церебрал ва метаболик комалар. Дифференциал ташхиси.
Амалий қисм: Хушсиз беморларда неврологик статусни текшириш хусусиятлари.

3.2.2. Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича умумий кўрсатма ва тавсиялар:

-Амалий машғулотлар мультимедиа қурилмалари билан жиҳозланган аудиторияда бир академик гуруҳга бир ўқитувчи томонидан ўтказилади.

-Амалий машғулотларни ўтказишда қуйидаги дидактик тамойилларга амал қилинади:

- Амалий машғулотларни мақсадини аниқ белгилаб олиш;
- Ўқитувчининг инновацион педагогик фаолияти бўйича билимларни чуқурлаштириш имкониятларига талабаларда қизиқиш уйғотиш;
- Талабада натижани мустақил равишда қўлга киритиш имкониятини таъминлаш;
- Талабани назарий-методиқ жиҳатдан тайёрлаш ва ҳ.к.

3.2.3. Модулни ўқитиш давомида эгалланадиган амалий кўникмалар ва компетенциялар:

Талабалар Неврология модули давомида даволаш режасини туза олиши, реабилитация чора тадбирларини ўтказа олиши, диспансеризация ва

профилактика гуруҳларига ажратиш, профилактик эмлаш режасини тузиш, оғир беморларни саралаш ва шошилинч ёрдам кўрсата олиш кўникмаларига эга бўлиши керак.

Модул давомида эгалланадиган амалий кўникмалар рўйҳати:

1. Ҳаракат сферасини текшириш
2. Ҳаракат координациясини текшириш
3. Сезги сферасини текшириш
4. Рефлектор сферасини текшириш усуллари
5. Кўз ҳаракатлантирувчи нервларни текшириш
6. Юз нервларни текшириш
7. Бульбар синдромни текшириш усуллари
8. Менингиал симптомларни текшириш усуллари
9. Тортилиш симптомларни текшириш усуллари.

Модул давомида эгалланадиган компетенциялар (номи, коди) рўйҳати:

УК 1[1]. Абстракт фикр юритиш, ходисаларни таҳлил ва синтез қилиш қобилиятига эга бўлиш;

УК 2. Дунёқарашни шакллантириш учун фалсафий билимларнинг асосларидан фойдаланиш қобилияти;

УК 3. Ностандарт вазиятларда ҳаракат қилиш қобилияти, қабул қилинган қарорлар учун ижтимоий ва аҳлоқий жавобгарликни олишга тайёрлик;

УК 4. Ўз-ўзини ривожлантиришга, англашга, ўқишга, ижодий салоҳиятдан фойдаланишга тайкомпеёрлик;

УК 5. Фавқулоддаги вазиятларда биринчи тиббий ёрдам техникасини, ҳимоя усулларини қўллашга тайёрлик;

УКК 1[2]. Касбий фаолиятнинг стандарт вазифаларини ахборот, библиографик манбалар, биотиббиёт терминологияси, ахборот-коммуникация технологиялари ва ахборот хавфсизлигининг асосий талабларини ҳисобга олган ҳолда ҳал қилишга тайёрлик;

УКК 2. Профессионал фаолиятдаги муаммоларни ҳал қилиш учун оғзаки ва ёзма равишда рус ва хорижий тилларда мулоқот қилишга тайёрлик;

УКК 3. Тиббий хужжатларни юритишга тайёргарлик;

УКК 4. Касбий муаммоларни ҳал қилишда дори воситаларини ва уларнинг комбинацияларини тиббий мақсадларда ишлатишга тайёрлик;

УКК 5. Беморларга бирламчи тиббий ёрдам кўрсатишни ташкил этиш ва дастлабки тиббий санитар ёрдам кўрсатишни таъминлашга тайёрлик;

УКК 6. Тиббий ёрдам кўрсатишда кўзда тутилган тиббий асбоблардан фойдаланишга тайёрлик.

---

[1] УК- умумий компетенция
[2] УКК – умумий касбий компетенция

Модул давомида ўқув (клиник) амалиётни ташкил этиш бўйича умумий кўрсатма ва тавсиялар:

Талабаларнинг “Неврология” модули бўйича клиник амалиёти таълим жараёнининг 50%ини ташкил қилади ва амалий машғулотлар “Асаб касалликлари” бўлимида ва маслахат поликлиникаси невролог хонасида ўтказилади.

Амалий машғулотда амалий кўникмаларга ўргатиш жараёни батафсил режалаштирилади ва бир неча босқични ўз ичига олади:

1. Биринчи босқич – машғулотнинг мақсади ва вазифаларидан келиб чиқган ҳолда ўрганилаётган амалий кўникмани ўрганиш мотивацион асоси аниқланади, унинг назарий жиҳатлари муҳокама қилинади. Амалий кўникмаларни амалга ошириш учун керакли асбоб-анжомлар ишлаш механизми, ишлатиш қоидалари билан талабар таништирилади.

2. Иккинчи босқич – амалий кўникмани намойиш қилиб бериш ва кўп марта машқ қилиш. Бу босқични амалга ошириш учун амалий кўникмаларни қадамма қадам алгоритми педагог томонидан ва видеофильмлар орқали намоиш этилади, алгоритм асосида босқичма босқич тўғри бажаришга алоҳида эътибор қаратилади.

Иккинчи босқични амалга ошириш учун кафедра томонидан ишлаб чиқилган амалий кўникмалар қадамма қадам алгоритми ва видеофильми, ўқув-услубий қўлланмаси, бажариш схемаси ёки техникаси ва ҳ.к., баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилган бўлиши лозим. Бу босқичда педагог назорат қилади ва керак бўлганда талабалар ишидаги хатоликларни тўғирлайди. Бу жараёнда талаба ҳаракатлари видеотасвирга олиниб ўзига намойиш этилиши, танқидий муҳокама қилиниши мумкин. Талаба, унинг хатоси нимада эканлигини, ўқитувчига ва бошқа талабаларга тушунтириб беради ва сўнгра муолажани такрорлайди. Интерфаоллик шунда намоён бўладики, бунда бошқа талабалар эксперт сифатида чиқишда ва ўқитилаётган талабанинг амалий кўникмани тўғри ўзлаштирганлигини баҳолашда иштирок этадилар. Амалий кўникма афтоматизм даражасигача етказилиши мақсадга мувофиқ.

3. Учинчи босқич - ўрганилган билим ва амалий кўникмани беморда қўллаш. Бу босқичда талаба ўзлаштирилган билим ва амалий кўникмани турли хил клиник ҳолатларда (шу жумладан шошилинч ҳолатларда) қўллашга, олинган натижаларни таҳлил қилишга ва шу маълумотлар асосида ҳаракат тактикасини белгилашга педагог назоратида ўргатилади.

Учинчи босқични амалга ошириш учун кафедра томонидан ишлаб чиқилган ўқув, услубий қўлланмалар, фотосуратлар, вазиятли масалалар ва тестлар тўплами, кейслар, клиник протоколлар, диагностика ва даволаш стандартлари, ўргатувчи касаллик тариҳлари ва амбулатор карталар ва х.қ.

ишлатилиши лозим. Интерфаоллик шунда намоён бўладики, бунда бошқа талабалар нафақат эксперт сифатида чиқишда ва ўқитилаётган талабанинг амалий кўникмани тўғри ўзлаштирганлигини баҳолашда балки командада ишлашда иштирок этадилар.

4. Тўртинчи босқич – ҳулоса. Бу босқичда педагог талаба томонидан олинган билим ва эгаллаган кўникмани беморларда, турли хил вазиятларда, фаолият жараёнида тўғри ва тўлиқ қўллай олишига ишонч ҳосил қилиши керак ва шунда амалий кўникма ўзлаштирилди деб ҳисобланади.

Тўртинчи босқични амалга ошириш учун талаба бемор билан мустақил ишлаши педагог томонидан назорат қилинади.

Машғулот сўнггида ўқитувчи ҳар бир талабанинг амалий кўникмани ўзлаштирганлигини тасдиқлайди. Талаба амалий кўникмани ўзлаштира олмаган вазиятларда, машғулотдан ташқари вақтда мустақил ўзлаштириш тавсия этилади ва педагогга қайта топширади. Талаба барча амалий кўникмаларни ўзлаштирган ҳолда модулни ўзлаштирган ҳисобланади.

4.Мустақил таълим ва мустақил ишлар, ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар

4.1.Тавсия этилаётган мустақил ишларнинг мавзулар рўйҳати:

1. Асаб тизимининг онтогенези
2. Вегетатив асаб тизимининг анатомияси ва физиологияси
3. Орқа мияда қон айланишининг бузилиши
4. Тос органларни иннервацияси ва бузилиш синдромлари
5. Бош мия хажмли ва паразитар касалликлари
6. Гипоталамик синдром.
7. Диссомниялар
8. Когнитив бузилишлар. Альцгеймер касаллиги.
9. Прозопалгиялар
10. Кўриш бузилиш синдроми
11. Соматоневрологик синдромлар
12. Нейрореабилитация.

4.2. Тавсия этилаётган мустақил ишларнинг шакллари:

Неврология модули бўйича тавсия этилаётган мустақил ишлар модул тизимида турли хил шаклда амалга оширилади:

–берилган мавзу бўйича ахборот (реферат) тайёрлаш;

– модулнинг бўлимлари ёки мавзулари устида махсус ёки илмий адабиётлар (монографиялар, мақолалар) бўйича ишлаш ва маърузалар қилиш;

– илмий мақола, анжуманга маъруза тезисларини тайёрлаш;

– вазиятли ва клиник муаммолларга йўналтирилган вазиятли масалалар ечиш;

– кейс (реал клиник вазиятлар ва клиник вазиятли масалалар асосида case-study) ечиш;

– график органайзерлаш ишлаб чиқиш ва тўлдириш;

– кроссвордлар тузиш ва ечиш;

– презентация ва видеороликлар тайёрлаш ҳамда мустакил иш жараёнида кенг қўллаш ва ҳ.к.

4.3. Мустақил таълим ва мустақил ишларни ташкил этиш бўйича умумий кўрсатма ва тавсиялар:

Неврология модули бўйича мустақил иш аудитория ва аудиториядан ташқари ўтказилади.

Талаба мустақил ишни ташкил этишда қуйидаги шакллардан фойдаланилади:

- аудитория машғулотларидан ташқари тренажёр, муляж ва симуляцион залларда/марказларда тасдиқланган амалий кўникмаларни педагог назоратида сон ва сифат жихатдан бажариш ва амалий кўникмаларни ўзлаштириш дафтарларида акс эттириш;

–тиббиёт ОТМ клиникалари ва клиник ўқув базаларида аудиториядан ташқари ташкиллаштирилган клиник навбатчиликда тасдиқланган рўйҳат асосида навбатчи шифокор-педагог назоратида стандартлаштирилган пациентлар (беморлар) курациясини ўтказиш ва олиб бориш, дори билан даволаш таҳлилини ёзиш ва навбатчилик дафтарларида акс эттириш;

- тиббиёт ОТМ клиникалари ва клиник ўқув базаларида аудиториядан ташқари ташкиллаштирилган клиник навбатчиликда тасдиқланган амалий кўникмаларни навбатчи шифокор-педагог назоратида сон ва сифат жихатдан бажариш ва навбатчилик дафтарларида акс эттириш;

- беморларни курация қилишда даволовчи ёки навбатчи шифокор билан иштирок этиш;

- аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, болаларни ёши ва соғлиғига боғлиқ овқатлантириш тамойиллари ҳақида суҳбат ва маърузаларни ўтказиш;

- айрим назарий мавзуларни ўқув адабиётлари ёрдамида мустақил ўзлаштириш;

- берилган мавзу бўйича ахборот (реферат) тайерлаш;

- модулнинг бўлимлари ёки мавзулари устида махсус ёки илмий адабиётлар (монографиялар, мақолалар) бўйича ишлаш ва маърузалар қилиш;

- вазиятли ва клиник муаммоларга йўналтирилган вазиятли масалалар ечиш;
- CASE (реал клиник вазиятлар ва клиник вазиятли масалалар асосида case-study) ечиш.
- моделлар ясаш, кроссвордлар тузиш, органайзерлар тузиш ва ҳ.к.

Неврология модули бўйича курс иши режада кўзда тутилмаган.

Модул бўйича талабалар билимини назорат қилиш турлари ва баҳолаш мезонлари

Неврология модули бўйича назорат турлари ва баҳолаш мезонлари ҳақидаги маълумот модул бўйича биринчи машғулотда талабаларга эълон қилинади.

Талабаларнинг модул бўйича ўзлаштириш даражасининг Давлат таълим стандартларига мувофиқлигини таъминлаш учун қуйидаги назорат турлари ўтказилади:

- жорий назорат (ЖН);
- оралиқ назорат (ОН);
- якуний назорат (ЯН).

Модулга ажратилган 5,0 кредитни талаба ЖН давомида йиғади.

ЖОРИЙ НАЗОРАТ (ЖН)

Жорий назоратда талабанинг модул мавзулари бўйича билим, амалий кўникма ва компетенцияларни эгаллаш даражасини аниқлаш ва баҳолаб бориш кўзда тутилади. Неврология модули бўйича ЖН оғзаки, ўргатувчи-назорат тестлари, тарқатма материаллари билан ишлаш, вазиятли масалалар, муляж ва фантомларда ишлаш маълумотларини ўрганиш,амалий кўникмаларни қадамма-қадам бажариш, беморлар билан ишлаш, клиник аудит ёзиш, уйга берилган вазифаларни текшириш ва шу каби бошқа шаклларда ўтказилиши мумкин.

Баҳолашда талабанинг билим даражаси, амалий машғулот материалларини ўзлаштириши, назарий материал муҳокамасида ва таълимнинг интерактив усулларида иштирокининг фаоллик даражаси, шунингдек, амалий билим ва кўникмаларни ўзлаштириш даражаси, компетенцияларни эгаллаш (яъни назарий, аналитик ва амалий ёндошувлар) ҳисобга олинади.

Ҳар бир машғулотда барча талабалар баҳоланиши шарт. Максимал балл 100, ўтиш бали 55 балл.

Жорий назоратда талабалар билими таълим моделига асосланган холда қуйидаги босқичларда амалга оширилади: назарий ва амалий қисм (50:50).

Жорий назорат учун ажратилган 5,0 кредит семестр бўйича қуйидагича тақсимланади:

9 семестр – 2,5 кредит;

ЖН – 2,5 кредит

ОН - 0 (ўтилиши мажбурий)

10 семестр – 2,5 кредит;

ЖН – 2,5 кредит

ЯН- 0 (ўтилиши мажбурий)

Талаба 9 семестрда белгиланган кредитларни тўплагандан кейин семестр якунида синовли вазифани топширади ва ўтиш (саралаш) балидан ўтсагина 10 семестрга ўтади. Талаба белгиланган кредитларни тўплагандан кейин семестр якунида ЯН (Синов)га киритилади.

Жорий назоратда саралаш (ўтиш) баллидан кам балл тўплаган ва узрли сабабларга кўра назоратларда қатнаша олмаган талабага қайта топшириш учун, навбатдаги шу назорат туригача, сўнгги жорий назорат учун ЯН (синов)гача бўлган муддат берилади.

Модул бўйича талаба рейтинги қуйидагича аниқланади:

Балл	ECTS баҳо	ECTS нинг таърифи		Баҳо	Таъриф и
86-100	A	"аъло" – аъло натижа, минимал ҳатоликлар билан	модул дастурининг барча бўлимлари бўйича тизимли, тўла ва чуқур билимга эга бўлиши, зарур далиллар билан асослай олиши; терминологиядан (шу жумладан, илмий, хорижий тилда ҳам) аниқ, ўз ўрнида фойдаланиши, саволларга жавобни мантиқан тўғри, стилистик саводли равишда ифодалаши; муаммоли саволларни аниқлаши, ўз қарашларини илмий-амалий тилда асослаб бера олиши; модулнинг таянч тушунчаларини билиши ва уни қисқа вақт ичида илмий ва амалий масалаларни ечишда самарали қўллай олиши; ностандарт вазиятларда муаммоларни мустақил ва ижодий ҳал қила олиш қобилиятини кўрсата олиши; амалий кўникмаларни мустақил равишда тўлиқ бажара олиши (сифати ва белгиланган сони жиҳатдан) ва компетенцияларни тўлиқ эгаллаши; амалий масалаларни қисқа, асосланган ва рационал равишда ҳал этиши; модул дастурида тавсия этилган асосий ва қўшимча адабиётларни тўлиқ ва чуқур ўзлаштириши; модул бўйича назариялар, концепциялар ва йўналишлар	5	аъло

			моҳиятини англаш, уларга танқидий баҳо бериш ва бошқа модуллар илмий ютуқларини қўллай олиши; назарий ва амалий машғулотларда бутун семестр мобайнида ижодий ва мустақил қатнашиши, гуруҳли муҳокамаларда фаол бўлиши, вазифаларни бажаришда юқори маданият даражасига эга бўлиши лозим;		
81-85	B	"жуда яхши" – ўртадан юқори натижа, айрим ҳатоликлар билан	модул дастурининг барча бўлимлари бўйича тизимли, тўла ва чуқур билимга эга бўлиши, зарур далиллар билан асослай олиши; терминологиядан (шу жумладан, илмий, хорижий тилда ҳам) аниқ, ўз ўрнида фойдаланиши, саволларга жавобни мантиқан тўғри, стилистик саводли равишда ифодалаши; ўз фикрини исботлашда ёки бошқа назарий материални баён қилишда юзага келган ноаниқликларни мустақил бартараф эта олиши; модулнинг таянч тушунчаларини билиши, қисқа вақт ичида илмий ва касбий вазифаларни қўйиш ҳамда ҳал қилишда ундан унумли фойдаланиши; стандарт вазиятларда муаммоларни ўқув дастури доирасида мустақил ҳал қила олиши; амалий кўникмаларни мустақил равишда тўлиқ бажара олиши (сифати ва белгиланган сони жиҳатдан) ва компетенцияларни тўлиқ эгаллаши; амалий машғулотларда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни яхши билишини намойиш қилиши, ушбу билимларни янги вазиятларда тўғри (лекин доим ҳам рационал эмас) қўллай олиши, бажарилган иш натижаларини етарли даражада расмийлаштира олмаганлиги; модул дастурида тавсия қилинган асосий адабиётларни ўзлаштириши; ўрганилаётган модул бўйича назариялар, концепциялар ва йўналишлар моҳиятини англай олиши ва уларга танқидий баҳо бериши; назарий ва амалий машғулотларда бутун семестр мобайнида ижодий ва мустақил қатнашиши, гуруҳли	4	яхши

			муҳокамаларда фаол бўлиши, вазифаларни бажаришда жуда яхши маданият даражасига эга бўлиши лозим;		
71-80	C	"яхши" – ўртача натижа, сезиларли ҳатоликлар билан	модул дастурининг барча бўлимлари бўйича тизимли, тўла ва чуқур билимга эга бўлиши, зарур далиллар билан асослай олиши, аммо бир оз камчиликлар билан; терминологиядан (шу жумладан, илмий, хорижий тилда ҳам) аниқ, ўз ўрнида фойдаланиши, саволларга жавобни мантиқан тўғри, стилистик саводли равишда ифодалаши; ўз фикрини исботлашда ёки бошқа назарий материални баён қилишда юзага келган ноаниқликларни мустақил бартараф эта олиши; модулнинг таянч тушунчаларини билиши, қисқа вақт ичида илмий ва касбий вазифаларни қўйиш ҳамда ҳал қилишда ундан унумли фойдаланиши; стандарт вазиятларда муаммоларни ўқув дастури доирасида мустақил ҳал қила олиши; амалий кўникмаларни мустақил равишда бажара олиши (сифати ва белгиланган сони жиҳатдан) ва компетенцияларни эгаллаши, аммо бир оз камчиликлар билан; амалий машғулотларда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни яхши билишини намойиш қилиши, ушбу билимларни янги вазиятларда тўғри (лекин доим ҳам рационал эмас) қўллай олиши, бажарилган иш натижаларини етарли даражада расмийлаштира олмаганлиги; модул дастурида тавсия қилинган асосий адабиётларни ўзлаштириши; ўрганилаётган модул бўйича назариялар, концепциялар ва йўналишлар моҳиятини англай олиши ва уларга танқидий баҳо бериши; назарий ва амалий машғулотларда бутун семестр мобайнида ижодий ва мустақил қатнашиши, гуруҳли муҳокамаларда фаол бўлиши, вазифаларни бажаришда яхши даражага эга бўлиши лозим;		
60-70	D	"қониқарли" –	давлат таълим стандартлари	3	Қони

		суст натижа, қўпол камчиликлар билан	(талаблари) доирасида етарли билим ҳажмига эга бўлиши; терминологияни ишлатиши, саволларга жавобларни тўғри баён қилиши, лекин бунда айрим хатоларга йўл қўйиши; жавоб беришга ёки айрим махсус кўникмаларни намойиш қилишда қийналганда, модул бўйича асосий тушунчага эга эканлигини намойиш этиши; амалий кўникмаларни (сифати ва белгиланган сони жиҳатдан) мустақил аммо ҳатоликлар билан тўлиқ бажара олиши; компетенцияларни мустақил, аммо ҳатоликлар билан эгаллаши; модулининг умумий тушунчалари бўйича қисман билимга эга бўлиши ва уни стандарт (намунавий) вазиятларни ҳал этишда қўллай олиши; педагог ходим ёрдами билан стандарт вазиятларни ҳал эта олиши; ўқилаётган модул бўйича асосий назариялар, концепциялар ва йўналишлар моҳиятини англаши, уларга баҳо бера олиши; назарий ва амалий машғулотларда педагог ходим раҳбарлигида қатнашиши, вазифаларни бажаришда етарли маданият даражасига эга бўлиши лозим;		қарли
55-59	E	"ўрта" – минимал натижага тенг	давлат таълим стандартлари (талаблари) доирасида қониқарли билим ҳажмига эга бўлиши; терминологияни ишлатиши, саволларга жавобларни тўғри баён қилиши, лекин бунда айрим қўпол хатоларга йўл қўйиши; жавоб беришга ёки айрим махсус кўникмаларни намойиш қилишда қийналганда ва ҳатоларга йўл қўйганда, модул бўйича асосий тушунчага эга эканлигини намойиш этиши; амалий кўникмаларни (сифати ва белгиланган сони жиҳатдан) мустақил эмас ва ҳатоликлар билан тўлиқ бажара олиши; компетенцияларни мустақил эмас ва ҳатоликлар билан эгаллаши;		

			модулининг умумий тушунчалари бўйича қисман билимга эга бўлиши ва уни стандарт (намунавий) вазиятларни ҳал этишда қўллай олиши; педагог ходим ёрдами билан стандарт вазиятларни ҳал эта олиши; ўқилаётган модул бўйича асосий назариялар, концепциялар ва йўналишлар моҳиятини англаши, уларга баҳо бера олиши; назарий ва амалий машғулотларда педагог ходим раҳбарлигида қатнашиши, вазифаларни бажаришда етарли маданият даражасига эга бўлиши лозим;		
31-54	FX	"қониқарсиз" – минимал даражадаги билимларни олиш учун қўшимча мустақил ўзлаштириши зарур	давлат таълим стандартлари (талаблари) доирасида фақат айрим фрагментар билимларга эга бўлса; илмий терминларни ишлата олмаса ёки жавоб беришда жиддий мантиқий хатоларга йўл қўйса; назарий ва амалий машғулотларда пассив қатнашиб, вазифалар бажариш маданиятининг паст даражасига эга бўлса; амалий кўникмаларга ва компетенцияларга эга бўлмаса, ўз хатоларини ҳатто педагог ходим тавсиялари ёрдамида ҳам тўғрилай олмаса.	2	Қони қарсиз
0-30	F	"мутлоқ қониқарсиз" – тўлиқ қайта ўзлаштириши лозим	давлат таълим стандартлари (талаблари) доирасида фақат айрим фрагментар билимларга эга бўлса; терминларни ишлата олмаса ёки жавоб беришда жиддий ва қўпол мантиқий хатоларга йўл қўйса ёки умуман жавоб бермаса; назарий ва амалий машғулотларда пассив қатнашиб, вазифалар бажариш маданиятининг паст даражасига эга бўлса ёки умуман бажармаса; амалий кўникмаларга ва компетенцияларга эга бўлмаса, ўз хатоларини ҳатто педагог ходим тавсиялари ёрдамида ҳам тўғрилай олмаса.		

ОРАЛИҚ НАЗОРАТ (ОН)

ОНда талаба томонидан модулнинг бир неча мавзуларни ўз ичига олган бўлими ёки қисми бўйича билим ва амалий кўникмаларни ўзлаштириш даражаси баҳоланади.

Неврология модули бўйича бўйича ОН семестрда бир марта ўтказилади. ОНга ЖН бўйича тегишли кредитларни тўплаган тарабалар киритилади. ОН кафедра мажлисининг қарори билан ёзма, оғзаки ёки тест (OSKE) шаклларида ўтказилади. ОНда саралаш бали (55балл) йиға олмаган талаба Синов (ЯН)га қўйилмайди.

Оралиқ назоратни ўтказиш жараёни кафедра мудири томонидан тузилган комиссия иштирокида даврий равишда ўрганиб борилади ва уни ўтказиш тартиблари бузилган ҳолларда, оралиқ назорат натижалари бекор қилинади ва оралиқ назорат қайта ўтказилади.

ЯКУНИЙ НАЗОРАТ

ЖНга ажратилган кредитларни тўлиқ тўплаган талаба ЯНга киритилади. ЯНда талабанинг билим, кўникма ва малакалари модулнинг умумий мазмуни доирасида баҳоланади. ЯН модул бўйича ўқув машғулотлари тугаганидан сўнг 2-этапда олинади, 1-этап - кафедрада OSCE шаклида, 2-этап тест марказида ўтказилади. ЯНда 55 саралаш баллини йиға олмаган талаба ЯНдан ўтмаган ва модулни ўзлаштирмаган деб ҳисобланади, ЖНда тўлиқ кредитни йиғган бўлса ҳам).

Таълим муассасаси ректорининг буйруғи билан ички назорат ва мониторинг бўлими раҳбарлигида тузилган комиссия иштирокида ЯНни ўтказиш жараёни даврий равишда ўрганиб борилади ва уни ўтказиш тартиблари бузилган ҳолларда, ЯН натижалари бекор қилинади ва ЯН қайта ўтказилади.

Касаллиги сабабли ЯНдан ўтолмаган талабаларга факультет декани фармойиши асосида, ўқишни бошлаганидан сўнг икки ҳафта муддатда топширишга рухсат берилади.

Семестр якунида ЯНдан ўтолмаган талаба академик қарздор ҳисобланади.

Академик қарздор талабаларга семестр тугаганидан кейин қайта ўзлаштириш учун бир ой муддат берилади. Шу муддат давомида модулни ўзлаштира олмаган талаба факультет декани тавсиясига кўра белгиланган тартибда ректорнинг буйруғи билан талабалар сафидан четлаштирилади.

Талаба назорат натижаларидан норози бўлса, модул бўйича назорат тури натижалари эълон қилинган вақтдан бошлаб бир кун мобайнида факультет деканига ариза билан мурожаат этиши мумкин. Бундай ҳолда факультет деканининг тақдимномасига кўра ректор буйруғи билан 3 (уч) аъзодан кам бўлмаган таркибда апелляция комиссияси ташкил этилади.

Апелляция комиссияси талабаларнинг аризаларини кўриб чиқиб, шу куннинг ўзида хулосасини билдиради.

Баҳолашнинг ўрнатилган талаблар асосида белгиланган муддатларда ўтказилиши ҳамда расмийлаштирилиши факультет декани, кафедра мудири, ўқув бўлими ҳамда ички назорат ва мониторинг бўлими томонидан назорат қилинади.

5. Асосий ва қўшимча ўқув адабиётлар ҳамда ахборот манбалари

5.1. Асосий адабиётлар:

1. Асадуллаев М.М. Асаб касалликлари пропедевтикаси. Дарслик. - Ташкент. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти. 2008 й.
2. Ибодуллаев З.Р. Асаб касалликлари. Дарслик. - Тошкент. 2014 й.
3. Ибодуллаев З.Р. Асаб касалликлари. Дарслик. - Тошкент. 2013 й. (лотин).
4. Содикова Г.К., Маджидова Ё.Н., Усманова Д.Д. Болалар неврологияси” (2-нашр). Дарслик.

5.2. Қўшимча адабиётлар:

1. Гафуров Б.Г. Клинические лекции по неврологии. Монография. -Ташкент. “Ибн Сино”. 2016 г.
2. Маджидов Н.М., Гафуров Б.Г., Маджидова Ё.Н. Хусусий неврология. Дарслик. -Тошкент. “Sharq”. 2012 г.
3. Ходос Х.-Б.Г. Нервные болезни. Учебник. -Москва.”Медицинское информационное агентство“ 2002..
4. Яхно Н.Н. Головная боль. Руководство для врачей. -Москва. “Ремедиум”. 2000 г.

5.3.Интернет сайтлар:

1. http://www.mmascience.ru/mpf/eco/coursetruda,
2. http://medprom.ru,
3. http://www.libonline.ru,
4. http://tradebooks.ckbib.ru,
5. www.medline.ru,
6. www.rusmedserv.com.
7. http://drmed.ru/p.php/25/
8. www.d5.spb.ru

“НЕВРОЛОГИЯ” МОДУЛИДАН СИЛЛАБУС

“Неврология” модулидан силлабус			
Модулнинг тўлиқ номи	**Неврология**		
Модул коди: 3.12	Кредит ҳажми: умумий – 5,0 кредит Шундан: *9 семестр – 2,5 кредит;* ЖН – 2,5 кредит ОН - 0 (ўтилиши мажбурий) *10 семестр – 2,5 кредит;* ЖН – 2,5 кредит ЯН- 0 (ўтилиши мажбурий)	Модул ўтилиш даври: 9-10 семестр	ECTS value:
Таълим йўналиши	5510100 – «Даволаш иши» 5511100 – «Профессионал таълим (5510100- Даволаш иши)»	5 босқич бакалаврлари	
Модулнинг давомийлиги	18 кун		
Ўқув соатлари хажми:	Жами соат:	180	
	Шунингдек:		
	маъруза	18	
	амалий машғулот	36	
	клиник ўқув амалиёт	54	
	мустақил таълим	72	
Ўқув модулининг статуси	Клиник модуллар блоки		
ОТМ номи, манзили	Тошкент тиббиёт академияси, Фаробий 2 уй		
Кафедра номи	Асаб касалликлари		
Мазкур курснинг ўқитувчилари ҳақида маълумот	Маърузачиларнинг Ф.И.Ш. Амалий машғулот ўтказувчиларнинг Ф.И.Ш.	E-mail: E-mail:	
Машғулот вақти ва жойи			
Модулнинг мазмуни	Ушбу дастур асаб тизимининг клиник анатомияси, зарарланиш синдромлари ва уларнинг текшириш усуллари, асаб касалликларини этиологияси, патогенези, диагностикаси, қиёсий ташхиси ва даволаш принциплари, хамда ўқиш жараёнида назарий ва амалий кўникмаларни ўзлаштириш орқали неврологик синдромларни ва уларнинг асосида топик ва нозологик ташхис қўйиш, неврологик беморларда параклиник текширувларни ўтказиш принциплари ҳақида талабаларга билим берилади ва бўлғуси умумий амалиёт врачларида клиник фикрлаш, касаллик ва унинг белгиларини асослаш учун замин яратиб беради.		
Пререквизитлар	Биология, тиббий биофизика, тиббий биокимё, анатомия, нормал физиология ва бошқалардан олинган билимларга асосланади		
Постреквизитлар	Барча клиник олди ва клиник модуллари учун назарий замин бўлиб ҳизмат қилади.		

Модулнинг мақсади	Неврология модулини ўқитишдан **мақсад** – талабаларга умумий ва клиник неврология асосларини, касалликлар профилактикасини, эрта диагностикаси ва даволаш усулларини ургатишдан иборат.
Модулнинг вазифалари	– умумий ва хусусий неврологиянинг асосий томойилларини; – соғлом турмуш тарзини тарғибот қилишни; – асосий неврологик синдромни аниқлаш ва у асосида топик, нозологик диагноз қўйиш; – неврологик касалликлари, уларнинг этиологияси, патогенези, таснифи, клиник кўринишлари, асоратлари ва даволаш принциплари тўғрисида тушунчаларни шакллантириш; – беморларни профессионал неврологик кўрув кўникмаларини эгаллаш. – ўткир неврологик касалликларда шошилинч ёрдам бериш кўникмаларини эгаллаш; – текширув ўтказиш врач тактикаси, даволаш ва профилактик билимини шакллантириш; – невролог – магистрларга беморларни юбориш кўрсатмаларни билиш; – ўткир неврологик ҳолатлар учраганда тез ёрдам кўрсатиш амалий кўникмаси ишлаб чиқиш;
Модул бўйича талабалар билими, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар	***10-семестр якунида:*** ***Талаба:*** – умумий неврология асослари, – топик ўчоқни аниқлаш; – бош мия краниал нервлар зарарланишини; – синдромал, топик, нозологик ва якуний ташхис асослари ***ҳақида тасаввурга эга бўлиши;*** – энг кўп тарқалган неврологик касалликларни этиология, диагностика, профликтаика ва даволаш принциплари; – неврологик синдромларни қиёсий ташхиси; – асаб касалликларида қўлланиладиган диагностика усуллари тўғрисида ***билиши ва улардан фойдалана олиши керак;*** – ҳаракат сферасини текшириш усуллари; – сезги сферасини текшириш усуллари; – ҳаракат координация текшириш усуллари; – менингиал белгиларни текшириш усуллари; – тортилиш симптомларни текшириш усуллари; – кўз ҳаракатлантирувчи нервларни текшириш; – юз нервларни текшириш; бульбар синдромни текшириш усуллари ***малакаларига (шу жумладан амалий кўникмаларига) эга бўлиши керак.***
Таълим бериш усуллари	Маъруза, амалий машғулотлар, клиник ўқув амалиёти
Таъминот	видеофильмлар, мультимедияли ва ўқитувчи компьютер дастурлардан, ўқитиш методикасидаги янги технологиялардан, мавзулар бўйича назарий билимларни сўрашдан фойдаланилади; бакалаврларнинг мустақил иши, индивидуал ва гуруҳли презентациялар, уйга берилган вазифаларни тайёрлаш, рефератлар ёзиш, тестлар, вазиятли масалалар ва бошқалар.

Ўқитиш натижалари:
Модулни якунлаганда талаба билади:
10-семестр якунида:
1. Умумий неврология асослари,
2. Топик ўчоқни аниқлаш;
3. Бош мия краниал нервлар зарарланишини;
4. Синдромал, топик, нозологик ва якуний ташхис асослари;
5. Энг кўп тарқалган неврологик касалликларни этиология, диагностика, профликтаика ва даволаш принциплари;
6. Неврологик синдромларни қиёсий ташхиси;
7. Асаб касалликларида қўлланиладиган диагностика усуллари тўғрисида

Модулни якунлаганда талаба бажара олади:
1. Энг кўп тарқалган неврологик касалликларни этиология, диагностика, профликтаика ва даволаш принциплари;
2. Неврологик синдромларни қиёсий ташхиси;
3. Асаб касалликларида қўлланиладиган диагностика усуллари тўғрисида
4. Ҳаракат сферасини текшириш усуллари;
5. Сезги сферасини текшириш усуллари;
6. Ҳаракат координация текшириш усуллари;
7. Менингиал белгиларни текшириш усуллари;
8. Тортилиш симптомларни текшириш усуллари;
9. Кўз ҳаракатлантирувчи нервларни текшириш;
10. Юз нервларни текшириш;
11. Бульбар синдромни текшириш усуллари.